Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

21 сентябрь 1972 йил, пайшанба ◆ № 222 (15.393). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Зафар сатрлари

НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

ҒУЗОР, (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди**). Очил Кўчкинов раислик қилаётган Карл Маркс номли колхоз аъзолари СССРнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақани кучайтириб, катта ғалабага эришдилар, йиллик пахта тайёрлаш планини республикада биринчилар қатори бажардилар. Давлат тайёрлов пунктига 3.240 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олинди. Маррага 20 иш кунида етилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Мейлиқулов, А. Бердиев, Р. Турдиев, Д. Тўрахонов каби ўнлаб пахта усталари раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 33 центнергача кўтарилди.

Колхоз пахтакорлари 7 минг тонна пахта тайёрлаш ҳақида юксак мажбурият олдилар.

П. ҒАДОЕВ.

5 КУНДА 80 ТОННА

ДЎСТЛИК (**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан**). Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизаторларининг ватанпарварлик ташаббусидан илҳомланган қўриқ ердаги Ленин номли совхоз пахтакорлари йиғим-теримни тобора авж олдирмоқдалар. Суворийлар мусобақасида моҳир механик-ҳайдовчи Шамсиқамар Тўхтаева олдинги сафда бораётир. У кейинги беш кун ичида агрегат бункеридан 80 тонна «оқ олтин» тўкди. Бу қўлда пахта терадиган саккиз киши-нинг ўртача мавсум нормасига тенгдир.

Турсунойчи Шамсиқамар суръатга суръат қўшиб, машинанинг кунлик иш унумини 25 тоннага ва ундан ҳам оширишга ҳаракат қиляпти. Совхоздаги 130 та «зангори кема» капитанларининг ҳаммаси мавсум нормасини икки-уч ҳисса ошириб бажаришга сўз берган.

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

МОСКВА. Катта Кремлнинг съездлар саройи. Саккизинчи чақириқ СССР Олий Совети IV сессиясининг президиумида. В. Климов фотоси, «Социалистическая индустрия»

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

19 сентябрь кунининг иккинчи ярида палаталарнинг мажлислар залида Кремлда СССР Олий Совети **Иттифоқ Советининг** мажлиси бўлди.

Депутатлар **В. В. Гришин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Ю. В. Андропов, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** мажлисни очди. У депутат **И. С. Грушецкий** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайланганлиги муносабати билан уни Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссия аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритади. Депутатлар бу таклифни қабул қиладилар.

Сўнгра Иттифоқ Совети табиатни муҳофаза қилиш комиссиясининг раиси депутат **А. В. Георгиев**га қўшимча доклад қилиш учун сўз берилади.

«Табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш чоралари тўғрисида» СССР Олий Советининг ушбу сессиясида муҳокама қилинаётган масала мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва совет кишиларининг соғлиғини сақлашни кучайтириш вазифаларини ҳал этмоқ жуда катта аҳамиятга эга, деди А. В. Георгиев. Давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва халқнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида Коммунистик партия билан Совет ҳукумати тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганлиги туфайли табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, бутун-бутун районларнинг табиатини ўзгартириб юбориш йўлида мамлакатда ҳақиқатан жуда катта иш қилинди.

Табиатни муҳофаза қилишни янада кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тадбирларининг кенг программаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг партия XXIV съездидаги докладида баён қилиб берилган эди. Муҳитнинг булғаланишига йўл қўймаслик, ер, сув ресурсларидан ва ўрмон бойликларидан, минерал хом ашёдан фойдаланишни яхшилаш ишлари олиб борилиши лозим бўлган асосий йўналишлар съезд Директиваларида кўрсатиб берилди.

Палаталарнинг қўшма мажлисида тингланган докладда, деди депутат, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш сохасида партия ишлаб чиққан программани амалда рўёбга чиқаришнинг асосий масалалари ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Табиатни муҳофаза қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиялари ҳукуматнинг бу тадбирларини қўллаб-қувватлайдилар.

А. В. Георгиев сув ҳавзаларини ва ҳавони булғанишдан муҳофаза қилиш тўғрисида гапириб айтдики, кўпинча министрликлар сув ҳавзаларининг ва атмосфера ҳавосининг саниталарини ҳолатини яхшилаш масалаларига лозим бўлган даражада эътибор бермаётганлар, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар корхоналарда кўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатувчи фактларга индамаётирлар. Химия, целлюлоза-қоғоз саноати ва рангли металлургия министрликларининг ишн тўғрисидаги масалани табиатни муҳофаза қилиш комиссияси бултур кўриб чиққанида мана шундай ҳолатлар юз бераётганини айтиб ўтган эди.

Комиссиялар сув ҳавзаларининг ва атмосфера ҳавосининг булғанишига йўл қўймаслик, тозаланмаган оқава сувларни сув ҳавзаларига оқизиб қўйишни ва саноат чиқиндиларини атмосферага чиқариб юборишни қисқартириш ва батамом тўхтатиш учун министрликлар зарур чораларнинг ҳаммасини кўришлари лозим, деб ҳисоблайдилар. Корхоналарни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида махсус бўлим ажратиб, бунда муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг бутун комплекси, шу жумладан бу иш учун сарфланадиган капитал маблағлар ва бу ишларни материал-техника билан таъминлаш тадбирлари кўзда тутилиши зарур. Тозаловчи иншоотларни қуриши яхшилаш ва ишларнинг сифатини ошириш мақсадида, қурилиш министрликлари қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини энг янги техникани қўлланиб, техникавий юксак даражада олиб бора оладиган ихтисослаштирилган ташкилотлар тузишлари керак.

Мамлакатимизда дарёлар сувн ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида, деди А. В. Георгиев, жуда хилма-хил тадбирларнинг катта комплекси амалга оширилмоқда. Бироқ, кўпгина дарёларнинг бевосита манбаи бўлган тоғ районларига анча кўпроқ эътибор бериш керак. Комиссиялар мана шундай районларнинг ўзига хос бўлган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу тадбирлар яроқли ерлардан (ўтлоқлар, ўрмонлардан) рационал фойдаланишга ва шу билан бир вақтда дарёлар бошланадиган зонада қулай гидрологик режим яратишга қаратилиши лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Узбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1972 йил 20 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими: Бир кунда	Шу жумладан машина терими: Мавсум бошидан
Қашқадарё	2,73	30,10	2,34	12,57
Бухоро	1,77	18,40	0,95	3,20
Андижон	1,33	15,34	0,25	0,68
Сурхондарё	1,32	14,03	0,86	5,53
Фарғона	0,54	13,85	0,14	0,36
Сирдарё	1,93	10,30	2,22	7,63
Тошкент	1,60	8,43	1,57	5,15
Наманган	0,76	7,44	0,80	2,91
Хоразм	0,58	4,24	0,02	0,03
Самарқанд	0,29	2,82	0,00	0,01
ҚҚ АССР	0,40	2,11	—	—
Республика бўйича:	1,16	11,39	0,89	3,43

Шу жумладан мингчка толаси пахта

Қашқадарё	бир кунда	1,78	мавсум бошидан 16,43
Бухоро	бир кунда	1,60	мавсум бошидан 16,10
Сурхондарё	бир кунда	1,06	мавсум бошидан 13,65
Республика бўйича:	бир кунда	1,31	мавсум бошидан 15,47

Москвадаги Сокольники паркида халқаро «Сельхозтехника-72» виставкаси эўр муваффақият билан ўтмоқда. Дунёдаги йигирмадан ортиқ мамлакатнинг юзлаб фирмалари, корхона ва ташкилотлари бу виставкада замонавий қишлоқ хўжалик машиналарини, асбоб-ускуналари ва приборларни намойиш қилмоқда. Техниканинг ана шу жуда катта кўргиги экспозицияси билан икки юз мингдан ортиқ киши танишди.

19 сентябрь куни Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий ўртоқлар виставкани бориб кўрдилар. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. В. Мацкевич, СССР савдо саноат палатаси президиумининг раиси Б. А. Борисов улар билан бирга бўлдилар.

«СЕЛЬХОЗТЕХНИКА-72» ВИСТАВКАСИДА

Партия ва ҳукумат раҳбарлари Совет Иттифоқи экспозициясини алоҳида эътибор билан кўздан кечирдилар. Бу экспозицияда Ватанимиз тракторсозлиги ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги тарихан қисқа муддат ичида қандай қилиб халқ хўжалигининг юксак даражада ривожланган тармоғига айлантирилганлиги яқ-қол тасвирлаб берилган.

Барча иттифоқдош республикаларнинг 300 га яқин саноат корхонаси виставкага ғоят серунум, замонавий машиналарнинг мингдан ортиқ намунасини тақдим этган.

Совет раҳбарлари тракторларнинг, дон комбайнларининг янги моделлари билан, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ишлатиладиган бошқа ҳилма-хил машиналар билан танишдилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румыния, Чехословакия, Югославия бўлимларини кўздан кечирдилар. Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг экспозициялари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши комплекс программасида кўзда тутилган социалистик иқтисодий интеграция афзалликларини яқ-қол кўрсатган. Совет раҳбарлари Австрия, Буюк Британия, Италия, Канада, АҚШ, Финляндия, Франция, ГФР, Япония ва бошқа мамлакатларнинг кўргазмаларини ҳам кўздан кечирдилар.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри И. Ф. Синицин Бутииттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси А. А. Ежевский ва «Сельхозтехника-72» виставкасининг бош директори Р. М. Зорин изоҳ бериб турдилар. (ТАСС).

СОВЕТ–ИРОҚ ҚЎШМА АХБОРОТИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Араб Социалистик уйғониш партияси (БААС) регионал раҳбарлигининг Бош секретари, Революцион қўмондонлик кенгашининг Раиси, Ироқ республикасининг Президенти Аҳмад Ҳасан ал-Бакр расмий дўстлик визити билан 1972 йил 14 сентябрдан 19 сентябргача Совет Иттифоқида бўлди.

Президент совет пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишди ва В. И. Ленин мавзолейига ҳамда номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйди. Президент совет халқининг ҳаёти ва меҳнати билан, унинг иқтисодий, социал ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари билан ҳам танишди. Ҳурматли меҳмон ва унинг ҳамроҳлари саммий, шодиёна кутиб олинганлиги совет халқининг ироқ халқига нисбатан дўстлик ва муҳаббат туйғуларини ифода этади.

Президент А. Ҳ. ал-Бакр дўстона кутиб олганликлари ва саммий меҳмондўстликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига ва бутун совет халқига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди. Ана шу дўстона қабул ва саммий меҳмондўстлик ироқ халқига, унинг раҳбарларига иззат-ҳурмат туйғуларини ифода этади.

Президент А. Ҳ. ал-Бакр визити вақтида Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин билан учрашди ҳамда суҳбатлашди. Ана шу, учрашув ва суҳбатларда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, Яқин Шарқдаги аҳвол, империализмга ва сионизмга қарши кураш проблемалари ҳамда ҳозирги халқаро вазиятнинг бошқа актуал проблемалари муҳокама қилинди. Музокаралар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1972 йил 9 апрелда тузилган Совет — Ироқ Шартномасининг руҳига мувофиқ, дўстлик, самимият ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Музокараларда совет томонидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи, армия генерали В. Г. Куликов, Совет Иттифоқининг Ироқ Республикасидаги элчиси В. А. Лихачев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси М. Д. Ситенко қатнашдилар.

Музокараларда Ироқ томонидан ташқи ишлар министри Муртод Саид Абдул Боқий, ички ишлар министри генерал-лейтенант Саадун Гейдан, соғлиқни сақлаш министри Иззат Мустафо, нефть ва минерал ресурслар министри Саадун Ҳаммади, давлат министри Амир Абдалла, Президент маҳкамасининг бошлиғи Яҳё Ясин, Ироқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Солиҳ Маҳди Амаш, Революцион қўмондонлик кенгаши иқтисодий бюросининг аъзоси Фахри Каддури, Революцион қўмондонлик кенгаши ижтимоий муносабатлар бюросининг аъзоси, «Ас-Саура» газетасининг бош редактори Тариқ Азиз, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Шодил Така, бош штаб бошлиғи генерал-лейтенант Абдул Жаббор Шанжал, молия министрининг ўринбосари Саъдий Иброҳим, ирригация министрининг ўринбосари Афиф Раўф, нефть лойиҳаларини планлаштириш давлат компаниясининг раиси Маҳдий Шайх Али, Ташқи ишлар министрлиги протокол департаментининг бош директори Абдул Вадуд Шайхли, Ташқи ишлар министрлиги социалистик мамлакатлар бўлимининг мудири Муҳаммад Ридо Жабрий, марказий банк чет эл муносабатлари бўлимининг мудири Ҳасан Нажафий қатнашдилар.

Совет раҳбарлари иқтисодий ва маданий қурилиш, совет халқининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан КПСС XXIV съезди белгилаган планлар қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг съезд томонидан ишлаб чиқилган тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш программани амалга оширишга қаратилган ташқи сиёсий фаолияти тўғрисида Ироқ Республикасининг Президентига ахборот бердилар, СССР ташкил топган кунинг 50 йиллиги байрами яқинда ўтказилажаги ҳақида ва шу юбилей муносабати билан Совет Иттифоқи халқларининг меҳнат ғайрати кучайиб кетганлиги тўғрисида ҳам сўзлаб бердилар.

Президент А. Ҳ. ал-Бакр 1968 йил 17 июлдан кейин Ироқ Республикасида Араб социалистик уйғониш партияси раҳбарлигида иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилган прогрессив ўзгаришлар тўғрисида, миллий экономикани янада юксалтириш ва ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек Ироқ Республикасининг миллий бирлигини ҳамда прогрессив ғалабаларини мустаҳкамлаш мақсадида барча тараққийпарвар миллий кучларни жипслаштиришга қаратилган планлар тўғрисида ўз навбатида совет раҳбарларига ахборот берди. Президент Ироқ Республикаси империализмга қарши, арабларнинг миллий озодлик ҳаракати позицияларини кучайтириш учун, Исроил империалистлари агрессиясига қарши араб мамлакатларининг куч-ғайратларини бирлаштириш учун қилаётган ҳаракатлари тўғрисида ахборот берди, шунингдек Ироқ ҳукуматининг халқаро майдонда озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги фаолияти ҳақида гапирди.

Совет томони Ироқ ҳукуматининг Араб социалистик уйғониш партияси раҳбарлигида империализмга қарши ўтказиб келаётган прогрессив йўлига, Ироқ халқининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда эришган муваффақиятларига юксак баҳо берди. Совет томони 1970 йил 11 март Баёнотини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлардан мамнун эканлигини ҳам айтди. Совет томони Ироқ халқининг мамлакатдаги табиий ресурсларга нисбатан суверен ҳуқуқларини тиклашга қаратилган ҳаққоний курашини ва шу жумладан монополистик «Ирак петролеум компани»ни национализация қилиш тўғрисидаги қарорни қўллаб - қувватлаётганлигини яна бир марта таъкидлади.

Ироқ томони совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида иқтисодий, ижтимоий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида эришган катта муваффақиятларига, шунингдек унинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятида қўлга киритган муваффақиятларига юксак баҳо берди.

(Давоми 4-бетда).

Машинада ким қанча пахта терди

Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозидан
Амиртош БАРАТОВ
130 тонна

Шу совхозидан
Темир ДУСОНОВ
120 тонна

Ульянов районидаги Ульянов номли совхозидан
Бешбой ЖУМАНАЗАРОВ
125 тонна

Шу совхозидан
Гофир ИБРОҲИМОВ
110 тонна

Косон районидаги «Косон» совхозидан
Омон ҚУЗИЕВ
120 тонна

Ульянов районидаги «Москва» совхозидан
Раҳмитдин ТОЖИЕВ
120 тонна

Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозидан
Ҳасан ҲУСАНОВ
115 тонна

Шеробод районидаги Ленин номли совхозидан
Ҳалима ПАРПИЕВА
160 тонна

Гагарин районидаги «Янгиобод» совхозидан
Светлана ПРОДАН
100 тонна

Шу совхозидан
Бекмурод ЗАЙНИЕВ
200 тонна

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

(Боши биринчи бетда).

Комиссиялар, деди А. В. Георгиев, сувлардан фойдаланишга доир давлат статистика ҳисоботини жорий қилишни СССР марказий статистика бошқармасига топшириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Ернинг унумдорлигини оширишга, ерларни мелиорация қилиш ишларига, тупроқ эррозиясига қарши, ерларнинг шўр босишига, ботқоқликка айланиб кетишига қарши курашга қўшимча докладда катта ўрин берилди.

Комиссиялар жумладан, қайта тикланиб яроқли ҳолга келтирилиши лозим бўлган ерларни ҳисобга олишни ташкил этиш анча яхшиланиши лозим деб; қишлоқ хўжалигига таалуқли бўлмаган мақсадлар учун ерлар ажратиб берилганлиги сабабли рўй бераётган зарар ва нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Ер ости бойликларидан рационал ва комплекс равишда фойдаланишни таъминлаш, деди А. В. Георгиев, муҳим проблема бўлиб турибди. Бу соҳада бизда бажариш лозим бўлган ишларнинг ҳали ҳаммаси қилингани йўқ. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида уларнинг кўп турлари анчагина нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Депутат табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш борасида фаннинг роли тўғрисида гапириб, тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва тупроқларни эррозиядан муҳофаза қилиш, яроқсиз ҳолга келтириб қўйилган ерларни тиклаб яна ишга солиш, ўрмончилик, балиқчилик ва овчилик хўжаликларини рационал равишда юритиш, атмосфера ҳавосини ва сув ҳавзаларини булғанишдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида анчагина ютуқлар борлигини айтиб ўтди.

Бироқ, илмий тадқиқотларни ташкил этишдаги камчилик шуки, бу тадқиқотлар одатда битта тармоқнинг манфаатлари билан чеклаб қўйилмоқда ва табиатдаги мавжуд ўзаро мураккаб боғланишларни ва бир ресурснинг бошқа ресурсларга маҳкам боғлиқ эканлигини ўз ичига олмаётир. Комиссиялар табиий комплекслардан фойдаланиш соҳасида тадқиқотлар олиб борадиган, бир хил ресурсларни ишлатишнинг бошқа ресурсларга таъсирини ўрганадиган, табиий муҳитнинг бузилишига йўл қўймасликка доир тавсиялар ишлаб берадиган махсус илмий марказ тузиш масаласини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Планлаштириш энг муҳим ташкилий масалаларнинг бири. Комиссиялар халқ хўжалик планларида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида махсус бўлим ажратиб, бу бўлимда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тадбирларининг бутун комплексини халқ хўжалиги тармоқлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикалар бўйича кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Ҳозир СССР Олий Советининг доимий комиссиялари ўрмонлар ва ер ости бойликлари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси устида олиб борилаётган ишни ниҳоясига етказмоқдалар. Шу қонун лойиҳалари қабул қилиниши натижасида ер ости бойликлари ва ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари тартибга солинади. Комиссияларнинг фикри шуки, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги совет қонунларини такомиллаштириш ишларини давом эттирмоқ керак, чунки атмосфера ҳавосини ва жониворлар дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи ҳозирги вақтда кун тартибида турибди.

Тўла ишонч билан шуни айтиш мумкинки, деди пировардида А. В. Георгиев, муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий бойликлардан рационал фойдаланиш билан алоқадор масалаларнинг ушбу сессияда муҳокама этилаётганлиги ва СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар КПСС XXIV съезди томонидан бу соҳада қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

Қўшимча докладдан сўнг кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан музокаралар бошланди. Украина Коммунистик партияси Киев область комитетининг биринчи секретари депутат **В. М. Цибулько**га сўз берилади. Киев областининг партия ва совет органлари, деди у, ер ресурслари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Ахир, халқимиз ер бизни боқиб турган онамиз деб айтаётганлиги ҳақ гап. Ҳозирги кунда областдаги жамики ерларнинг 75 процента колхозлар ва совхозлар тасарруфига бериб қўйилган. Бироқ, ботқоқ ерларнинг заҳи кетказилганлигига, илгари яроқсиз бўлиб ётган ерлардан рационал равишда фойдаланилаётганлигига қарамай санаш ва уй-жой қурилиши тез ривожланиб кетганлиги сабабли қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг умумий миқдори кейинги олти йил ичида камайиб кетди. Шу сабабли, деди нотиқ, ерлардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланишга, янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишга қаратилган бир қанча чора ва тадбирлар ишлаб чиқилди.

В. М. Цибулько республика пойтахти Киевда ерлардан тежамли фойдаланилаётганлигини мисол қилиб кўрсатди. Ҳозирги вақтда Днепр дарёси бўйида ҳушманзара Русановка микрорайони қад кўтарди. Илгари бу ерлар нуқул қум босиб етган ерлар эди, Днепр дарёси тошган вақтда бу ерларни кўпинча сув босиб кетар эди. Қурувчилар мана шу қумларнинг устини тўлдириб, бу ерда умумий саҳни 400 минг квадрат метрга тенг келадиган замонавий кўп қаватли иморатлар қуришди. Шу тариқа юз гектар унумли ер тежаб қолинди. Русановкаликларнинг тажрибасидан муваффақиятли фойдаланилмоқда: усти тўлдирилган қум ерларда Березняки ва Оболонь уй-жой массивлари қурилмоқда.

Қишлоқ меҳнатчилари ҳам ўз ерларидан мумкин қадар рационал фойдаланишга интилмоқдалар. Биз қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни кенгайтириб, ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиб ва ошира бориб энг кўп иқтисодий самара олишга интилмоқдамиз. Дастлабки маълумотларга қараганда бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида бизнинг областимизда ҳар бир гектар ғалла майдонидан 26 центнерга етказиб ҳосил олинди. Қанд лавлаги, картошка, сабзавот экинларидан тузуккина ҳосил етиштирдик. Зарур миқдорда ем-ҳашак ғамлаб қўйилди.

Москва давлат университетининг ректори **И. Г. Петровский** сўзга чиқиб, мен Москва меҳнаткашларидан СССР Олий Советининг депутати бўлганлигим сабабли пойтахтнинг ҳаво ва сув ҳавзаларини соғломлаштириш проблемаларига тўхталиб ўтмоқчиман, деди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида қилган докладида Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш вазифасини олдимизга қўйди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли, деди нотиқ, ҳозирги кунда Москва жаҳоннинг энг обод ва энг озода шаҳарларидан бири бўлиб қолди. Сув ва ҳаво ҳавзаларини соғломлаштириш, шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Москва — рекантер 70 километрдан кўпроқ масофадаги суви анча тоза бўлиб қолди. Бу дарё сувининг таркибида кислород кўпайди, дарёнинг шаҳардан ўтадиган қисмида балиқлар пайдо бўлиб қолди, унинг суви ҳамманинг чўмилиши ва спорт билан шуғулланиши учун яроқли бўлиб қолди. Бироқ, пайтахтдаги сув ҳавзаларининг ҳаммаси ҳам санитария талабларига тўла равишда жавоб беролмайди. Станоксозлик ва инструменталь саноат министрлиги, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги ва бошқа министрликлар ўз корхоналарида тозаловчи иншоотларни секинлик билан қурмоқдалар.

Ҳатто бу йилги жазирама ёзда ҳам москваликлар ичимлик сув билан етарли равишда таъминланиб турдилар. Пойтахтимизда бир кишига ҳар куни ўрта ҳисобда 600 литр сув қаҳ бўлмоқда. Москва водопроводининг суви жаҳон стандартларидан ҳам аъло. Лекин буни сақлаб қолмоқ учун пойтахтнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб, сув таъминотининг янги манбаларини ишга солиш зарур. Ҳозир Вазуза гидротехника системаси қурилмоқда. Бу система ишга туширилганидан кейин ва Москва номли каналнинг суви кўпайтирилганлиги натижасида 1990 — 1995 йилларга қадар шаҳарни сув билан етарли равишда барқарор таъминлаб туриш таъминланади.

Пойтахтнинг ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш борасида кўпгина ишлар қилинди. Шаҳарнинг ёқилғи баланси газдан кўпроқ фойдаланиш томон ўзгариб бормоқда. Шаҳарни шовқиндан ҳимоя қилиш проблемаси ҳам актуал проблема бўлиб турибди.

Москва қалин иҳота дарахтзорлари билан ўралган. Бу эса ҳавони соғломлаштириш ва тозалаб туришнинг жуда катта омилидир.

7 миллионга яқин аҳолиси бўлган шаҳарнинг ривожланишини планлаштириш, деди И. Г. Петровский, ғоят қийин вазифа. Бироқ, деди нотиқ, социалистик тузум бу қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳамма имкониятларни яратиб қўйган. Нотиқ докладда айтиб ўтилган таклифларга тўла равишда қўшиламан, деди ва Ватанимиз пойтахтини намунали коммунистик шаҳарга айлантириш тўғрисида партия XXIV съезди қўйган вазифа муваффақиятли равишда ҳал этилади, деб қатъий ишонч билдирди.

Минбарда — Курск областидаги «Россия» колхозининг бош агрономи депутат **А. Н. Юшченко.**

Биз, деҳқонлардан тупроқ унумдорлигини қайта тиклашни кенгайтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш талаб этилмоқда, деди у, бунга эса деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш билангина эришиш мумкин. Бизнинг «Россия» колхозимиздаги мутахассислар ва барча ғаллакорлар бутун куч ва ғайратларини мана шунга қаратмоқдалар. Давлатнинг жуда катта ёрдамига таяниб, фан ва илғор тажрибе муваффақиятларидан фойдаланиб, колхозда ернинг ҳар бир гектаридан фойдаланишни яхшилашга, унинг унумдорлигини оширишга доир ташкилий ва агротехника тадбирларининг бутун бир системаси ишлаб чиқилди. Ер ҳам ғаллакорларнинг шу меҳнатига яраша ҳосил бермоқда. Ушбу бош йилликда дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 32 центнерни, қанд лавлагининг ўртача ҳосилдорлиги 339 центнерни ташкил этди. Биз ҳар бир меҳнатчини ерга меҳр-муҳаббат билан қараб, уни авайлайдиган қилишга ўргатдик.

Асосий миллий бойлигимиз бўлган тупроқни муҳофаза қилиш умумхалқ вазифасидир. Область хўжаликлари ернинг унумдорлигини сақлаб қолмоқ учун тағин ҳам таъсирлироқ чоралар кўришга киришдилар.

Конларни қазиш, электр станциялар қуриш чоғида, деди депутат, ер, сув ресурсларидан ва бошқа ресурслардан аямай фойдаланиш фактлари ҳали ҳам йўқотилгани йўқ.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги саноатда ишларнинг хавфсизлигини назорат қилиш ва конларни назорат қилиш давлат комитетининг раиси депутат **Л. Г. Мельников** сўзга чиқиб айтдики, мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш планларига мувофиқ фойдали қазилмаларни кавлаб олиш муттасил ривож топмоқда. Шу билан бир вақтда кончилик корхоналарида қимматли маҳсулотни мумкин қадар кўпроқ чиқариб олиш мақсадида ер ости бойликларидан рационал фойдаланиш соҳасида катта иш олиб борилмоқда.

Министрликлар ва идоралар, деди Л. Г. Мельников, илгари кончилик ишлари олиб борилган экинзор ерларни ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларни қайта тиклаб, колхозлар ва совхозларга топширишни энг муҳим халқ хўжалиги вазифаларидан бири деб ҳисоблаб, бу ишларни бажариш тўғрисида ўзларининг корхоналарига ҳар йил топшириқларни планлаштириб беришлари мутлақо зарур.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Андижон область комитетининг биринчи секретари депутат **Б. Р. Раҳимов** сўзга чиқди.

Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти депутат **М. С. Осимов** Тожикистондаги Вахш водийсини табиатни ғланли равишда ўзгартиришнинг ва табиат бойликларидан инсон манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишнинг намунаси қилиб кўрсатди. Чўлбиёбон бўлиб ётган бу ерлар Совет ҳокимияти йилларида ям-яшил боғлар, серунум далалар ўлкасига айланди. Бу водий ерларида пахтанинг энг қимматли ингичка толали навлари етиштирилмоқда.

Совет ҳокимияти ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштириб, деб давом қилди М. С. Осимов, Тожикистоннинг жуда катта гидро энергетика ресурсларини ўзлаштиришга киришдилар. Ҳозирги вақтда кўп миллатли гидроиншоотчилар коллективи Ўрта Осиёда энг катта Норак ГЭСини қурмоқда. Норак бинокорлари улуғ бирлик байрамини — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини станциянинг биринчи агрегатини ишга тушириш билан нишонламоқ учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Тожикистон дарёларида бошқа гидро техника иншоотларини қуриш Ўрта Осиёнинг энг катта сув артериялари оқимини тартибга солиб туришда муҳим роль ўйнайди. Бу эса Тожикистоннинг ўзида, шунингдек Ўзбекистон ва Туркманистонда миллион-миллион гектар ерларни ўзлаштириш имкониятини беради.

Депутат Тожикистоннинг қазилма бойликлари кўплигини айтиб, бу бойликлардан комплекс фойдаланиш, дарёлар сувининг тозалигини саноат чиқиндилари билан булғатишдан сақлаб қолиш соҳасида республика олдида турган проблемаларни гапириб берди, шаҳарлар ва посёлкаларда ҳаво ҳавзасининг мусаффолигини сақлаб қолиш борасида конкрет чоралар кўриш зарурлигини уқтириб ўтди. Еш авлодни ўз ўлкасининг табиатига меҳр-муҳаббатли ва ғамхўр қилиб тарбиялашни ўқув юртларининг, пионер ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаш лозимлиги ҳақида мендан олдин сўзга чиққан депутатларнинг фикрларига тўла равишда қўшиламан, деди нотиқ.

Минбарда — СССР соғлиқни сақлаш министри депутат **Б. В. Петровский.**

Кенг социал-иқтисодий тадбирларнинг КПСС XXIV съездида қабул қилинган программасида, деди у, шаҳарлар ва ишчи посёлкаларини янада ободонлаштиришни давом эттириш билан бир қаторда одамларнинг турмуш шароитини тағин ҳам соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар системасини амалга ошириш кўзда тутилган.

СССРда табиатни муҳофаза қилиш учун жавобгар бўлган бир қанча идоралар бор, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг давлат санитария хизмати шулар жумласига киради. Ҳозир бу бошқарма 200 минг нафарга яқин санитария врачларини, инженерларни ва бошқа ходимларни бирлаштириб турибди. Булар тўрт мингта санитария-эпидемиология станцияларида ва муассасаларида ишламоқдалар.

Нотиқ табиатни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишга алоқадор гигиена ва санитариянинг конкрет масалаларига тўхталиб ўтди.

Кейинги йилларда, деди у, Москванинг саноат корхоналарида газ-кул-чанг тутиб қоладиган ва бошқа тозаловчи 7 мингтадан кўпроқ установка қурилди. Натижада атмосферанинг булғаниши кейинги ўн беш йил ичида уч-тўрт баравар камайтирилди, шунинг учун ҳам энди бизнинг пойтахтимизни жаҳоннинг энг мусаффо пойтахтларидан бири деб ҳақли равишда айтмоқдалар. Ленинград, Киев, Минск, Свердловск, Магнитогорск, Запорожье ва бошқа саноат марказларида ҳам ташқи муҳитни соғломлаштиришга доир кўпгина ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга бир қанча шаҳарларда ҳавонинг булғаниш даражаси ҳали ҳам анча баланд. Сув ҳавзаларини санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳам анча жиддий проблема бўлиб турибди, ишлаб чиқариш корхоналарида, муассасаларда, квартираларда, аҳоли дам оладиган жойларда шовқинга қарши курашмоқ учун ҳали кўп иш қилиниши керак.

Иттифоқ Советининг мажлисида депутатлар **А. А. Кочетов** (Карелия АССР), **А. В. Валиҳонов** (Татаристон АССР), **В. А. Микулич** (Брест области), **М. А. Ферин** (Бошқирдистон АССР), **И. К. Абдуғулов** (Олмаота области) ҳам сўзга чиқдилар.

20 сентябрда сессия ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Ватанимиз чиндам ҳам бепоён, унинг табиий хазиналари битмас-туганмас, ерларимиз сийнаси бойликларга кон. Ана шу бойликлардан халқ баҳт-саодати, бутун совет жамияти манфаатлари йўлида нақадар кенг ва тўлиқ фойдаланилса, минерал ресурслар ва табиатнинг ўзи ҳам шу қадар чинакам, оқилона, эҳтиёткорона ғамхўрликни кўпроқ талаб қилади. Халқнинг муҳтор вакиллари бўлган депутатлар СССР Олий Советининг сессиясида табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий бойликлардан рационал фойдаланиш тўғрисидаги ҳаётий муҳим масалани мамлакат хўжайинларига хос манфаатдорлик билан муҳокама қилаётганликларининг боиси ҳам ана шу.

20 сентябрь куни саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да палаталарнинг Кремлдаги мажлислар залида Миллатлар Советининг мажлиси бошланди.

А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Б. Н. Пономарев ўртоқлари депутатлар давомли қарсаклар билан кутиб олишди.

Мажлисни Миллатлар Советининг раиси депутат **Ё. С. Насриддинова** очди. У қўшимча доклад қилиш учун Миллатлар Совети табиатни муҳофаза қилиш комиссиясининг раиси депутат **В. А. Карловга** сўз берди.

Совет ҳокимияти эндигина дунёга келган пайтдаёқ, деди у, Владимир Ильич Ленин табиатга, унинг бойликларига эҳтиёткорлик билан хўжайинларча муносабатда бўлишни талаб қилган эди. Ўша пайтдан бери табиатни муҳофаза қилиш, унинг табиий ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш доимо Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг диққат марказида турибди:

Мамлакатимизда сув ҳавзаларини ва атмосфера ҳавосини булғатишга йўл қўймаслик, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш соҳасида катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда — зарарли чиқитлар чиқармайдиган технология жараёнлари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда, кучли тозалаш иншоотлари қурилмоқда. Илгари жазирама офтобда қовжираб ётган унумсиз қумликларда энди кўп сувли дарёлар оқиб, мўл пахта ва шоли ҳосили берадиган далаларга оби ҳаёт бахш этмоқда. Шу дарёлар соҳилида кўкламзорларга бурканган янги-янги шаҳар ва посёлкалар қад кўтармоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг партия XXIV съездидаги докладида табиатни аниқ мақсадни кўзлаб янада ўзгартириш ва унинг бойликларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасидаги тадбирларнинг муфассал программаси баён этиб берилди. Съезд Директивларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий вазифалар белгилаб берилган, ер, сув, атмосфера, фойдали қазилмалардан рационал фойдаланиш учун, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта кўпайтириш учун министрликлар ва идоларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш зарурияти таъкидланган.

Муҳитни муҳофаза қилиш меҳнаткашлар депутатлари совети фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан биридир, деб таъкидлади нотиқ. У жамоатчиликнинг бу соҳадаги актив ролини уқтириб ўтди.

Табиатни муҳофаза қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиялари СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат В. А. Кириллин докладида баён этилган қоидаларга қўшилишлари ва шу қоидаларни қўллаб-қувватлашларини **В. А.** Карлов сессия қатнашчиларига маълум қилди.

Шу билан бирга комиссиялар депутатларнинг эътиборини баъзи бир муҳим масалаларга қаратишни зарур деб ҳисоблайдилар. Атмосфера ҳавосини булғатишга қарши кураш ана шундай масалаларнинг биридир. Осмон муҳитини яхшилаш соҳасида кўрилаётган чораларга қарамай, йирик саноат марказларининг атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ҳали ҳам сust пасаймоқда.

Комиссиялар СССР Госпланига тегишли министрликлар билан биргаликда юксак самарали газ тозалаш ва чанг тутиш асбоб-ускуналари ҳамда аппаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу тариқа беш йиллик охиригача халқ хўжалиги эҳтиёжларини ана шундай асбоб-ускуналар ва аппаратлар билан тўла-тўкис қондириш чораларини кўришни топшириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Осмон муҳитини ифлос қилишга қарши курашни кучайтириш мақсадида, комиссияларнинг фикрича, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун ишлаб чиқиб, қабул этиш зарур.

Сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилаш, уларнинг булғанишига йўл қўймаслик — энг муҳим вазифаларнинг биридир, деб сўзини давом эттирди, депутат. Кейинги йилларда кўпгина корхоналарда оқова сувлар миқдорини камайтириш, уларни тозалаш усулларини такомиллаштириш юзасидан турли технология тадбирлари амалга оширилди. Мамлакатда ҳар йили мингтадан ортиқ тозалаш иншооти ишга туширилмоқда. Лекин буни етарли деб бўлмайди. СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети, министрликлар ва идоралар оқова сувни тозалашнинг сув ҳавзаларига зарарли ташландиқлар тушишига йўл қўймайдиган янги, янада тежамли ва юксак самарали усулларини ишлаб чиқиш янада активроқ олиб борилиши чораларини кўришлари керак.

Мамлакатимиз фойдали қазилмаларга бой. Лекин бу қазилмалар чексиз эмаслигини ва биз бугун фойдаланиб бўлган нарсаларни эртага қайта тиклашнинг иложи йўқлигини унутмаслик керак. Шу сабабли, бир томондан, минерал ҳом ашё қидириб топишни доимо кучайтириш, иккинчи томондан, ундан рационал ва комплекс фойдаланиш зарур. Палаталарнинг табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари бу йил қора ва рангли металлургия корхоналари ер ости бойликларидан қандай фойдаланаётганлиги масаласини ана шу нуқтан назардан кўриб чиқдилар. Кўпгина кончилик корхоналарида қора ва рангли металларни қазиб олиш вақтида бу металлар ҳамон кўплаб нобуд қилинаётганлигини В. А. Карлов таъкидлаб ўтди. Рангли металлургияда металларни дастлабки қайта ишлаш-бойитиш чоғида катта исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).

ДЕПУТАТ Б. Р. РАҲИМОВ НУТҚИ

Ўзбекистон ССР Ленинск сайлов округи

Депутат ўртоқлар! Ушбу сессиянинг иши мамлакатимизнинг буюк бирлик, дўстлик ва қардошлик байрамига—ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган ажойиб кунларда ўтмоқда. Совет кишилари шонли санани муносиб кутиб олишга, социалистик мажбуриятларни, беш йиллик иккинчи йилининг топшириқларини муддатидан олдин бажаришга, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишга интилиб, қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Коммунизмнинг моддий техника базасини қуриш учун олиб борилаётган курашда мамлакатимизнинг янги муваффақиятлар қозониши давлатимизнинг табиий бойликларини муҳофаза қилишни яхшилаш ва бу бойликлардан рационал фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Буни Ўртоқ Л. И. Брежнев Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги тўғрисида қилган докладида уқтириб ўтган эди. «...Табиат, — деган эди у, — моддий неъматларнинг биринчи манбаи сифатида ҳам, соғлиқнинг, хуррамликнинг, ҳар бир киши ҳаётига ва маънавий бойлигига муҳаббатнинг битмас-туганмас манбаи сифатида ҳам ўзининг жуда катта қимматини биз учун йўқотгани йўқ.

Табиатни асраш, унинг бойликларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш нақадар муҳим эканлигини уқтириб ўтмоқ учун мана шуларнинг ҳаммасини эслатиб ўтмиз келади». Бу сўзлар одамнинг табиат билан ўзаро муносабатлари проблемаси ғоят актуал проблема эканлигини яна бир марта таъкидлайди.

Бу масала сессия муҳокамасига қўйилганлигини қизғин маъқуллаб, бизнинг Ўзбекистон республикаси учун ва жумладан, Андижон области учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи проблемаларни айтиб ўтмоқчиман.

Тупроғи унумли бўлган, деҳқоннинг кўп асрлик меҳнати натижасида яратилган жуда кўп ирригация каналлари билан қопланган, Ўрта Осиёнинг аҳоли энг зич жойлашган қисми бўлган Фарғона водийси — Совет Иттифоқининг энг бой ва энг ғўзал жойларидан бири. Бу водийда сойлар ва анҳорлар кўп, бу водий қуёш нурига ва иссиққа сероб, бу эса деҳқончилик учун қулай шароит яратиб беради. Областимиз меҳнаткашлари табиатнинг шу неъматларидан кенг фойдаланиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қилаётган жуда катта доимий ғамхўрликка таяниб, партиямиз XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширмоқ учун совет халқи олиб бораётган курашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бироқ, табиат бойликларини ўзлаштиришда бизда ҳам қийинчиликлар бор. Бизда ҳам шамол ва сув эрозияси бўлиб турибди, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари билан, аввало пахтанинг зараркунандалари билан курашмоқ учун юксак даражада заҳарли химикатларни қўлланиш билан алоқадор бўлган ва ҳал этилмаган масалалар ош эмас.

Ушбу беш йилликда қайир ерларда селдан сақловчи бир қанча системалар, соҳилларни ҳимоя қилувчи дамбалар қуриш мўлжаллаб қўйилди. Бу иншоотлар суғориладиган юзлаб гектар экин майдонларини тошқин сувлар ювиб кетишидан сақлаб қолишга имкон беради. Бу ишларнинг умумий қиммати 16 миллион сўмдан кўпроқ маблағни ташкил этади. Қўриқ ерларни шамол эрозиясидан ҳимоя қилмоқ учун ихота ўрмонзорлари барпо этилмоқда.

Ҳозирги вақтда пахтакор республикаларда зараркунанда ҳашаротлар билан курашишнинг химиявий методи кенг ёйилган. Бу метод зараркунанда хашаротлар сонини тез ва анча камайтиришга ёрдам беради. Бироқ, зарарли химикатларни жорий қилишда бу химикатларнинг жониворлар, ўсимликлар оламига кўрсатадиган таъсири етарли равишда ҳисобга олинмаётир. Биз йўқотмоқчи бўлган бундай зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар кўпинча яна пайдо бўлиб кўпаяверади. Бундан ташқари чанглатувчи ҳашаротлар сони камайиб кетади, бу эса муҳим қишлоқ хўжалик экинларининг, айниқса меваларнинг ҳосилдорлигини камайтириб юборади. Зараркунанда ҳашаротлар билан курашишни химиявий методидан фойдаланиш чоғида фойдали ҳашоротларни ҳимоя қилиш йўлларини ва методларини чуқур ўрганиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу ишда биологик усулларга кўпроқ эътибор бериш керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида заҳарли химикатлардан кенг фойдаланилаётган шароитда аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни сақлаб қолиш алоҳида актуал аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда, шу сабабли химиявий воситаларни ишлатиш чоғида бу воситаларни қўлланиш тартиби тўғрисида белгилаб қўйилган қоидаларга ва хавфсизлик техникаси қоидаларига жуда қатиқ риоя қилиб бажарилиши шарт бўлган талабдир.

Республикада қаттиқ таъсир қиладиган ва юксак даражада заҳарли бўлган химикатлар миқдорини қисқартириш борасида катта иш қилинмоқда. Кейинги беш йил ичида фақат бизнинг областимиздагина бундай заҳарли химикатларни қўлланиш етти баравар қисқартирилди. Бундай қаттиқ таъсир қиладиган заҳарли химикатлар кучсизроқ бўлган заҳарли химикатлар билан алмаштирилмоқда. Кейинги йилларда заҳарланиш ҳоллари тобора камайганлиги кўрилмоқда. Бу йил эса заҳарланиш ҳоллари бутунлай бўлмади. Хлороорганик препаратларни қўлланиш жуда камайтириб юборилди. Авиация воситасида дори сепиш камайтирилиб, бундай химикатларни ернинг ўзида сепишга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Ердаги аппаратлар билан дори сепилганида заҳарли химикатларнинг таъсирдорлиги яхшироқ бўлади, кўп марталаб дори сепишга эҳтиёж қолмайди ва ҳаво, тупроқ ҳамда сув манбаларининг булғаниши камаяди. Далаларга дори сепмоқ учун ердаги аппаратлардан кенг фойдаланиш усули бутун республикада қатъият билан қўлланадиган бўлиб қолди.

Биз тегишли министрликлар ва илмий-тадқиқот институтларидан таъсири кучли, лекин заҳари камроқ бўлган заҳарли химикатлар ишлаб чиқаришни ва бизга етказиб беришни кўпайтиришни; шунингдек айниқса пахтачиликда зараркунанда ҳашаротлар билан курашнинг биологик методларини жорий этиш ишларини давом эттиришни илтимос қиламиз. Авиация ёрдамида дори сепишни қисқартириш ва ердаги аппаратларни кенг қўлланиш мақсадида трактор билан ишлатиладиган ва иш унуми юксак бўлган «ОВХ-14» маркали аппаратларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва бизга етказиб бериш, ҳаво билан мустақил равишда таъминлаб турадиган скафандр типидаги махсус иш кийимларини бизнинг иқлим шароитимизни ҳисобга олиб ишлаб чиқиш зарур.

Вилт ва гоммознинг ғўзада пайдо бўлишига қарши курашмоқ учун одатда аҳоли пунктларига жойлашган пахта заводларида уруғлик чигитни заҳарли химикатлар билан синчиклаб дорилашга тўғри келади. Тегишли министрликлар аҳоли пунктларидан узоқроқ жойларда уруғлик чигитни марказлаштирган тартибда дорилаб бериш системасини ишлаб чиқиб жорий қилсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Вилт билан курашнинг янги методларини ишлаб чиқмоқ учун СССР Фанлар академияси кўп иш қилаётганлигини биламиз, лекин мамлакатимиз олимлари ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштириб ғўзанинг энг оғир касалларидан бўлган вилт ва гоммозни таг-томири билан йўқотишнинг қатъий чораларини ва усулларини яқин вақт ичида ишлаб чиқадилар, деб ўйлаймиз.

Атмосфера ҳавосини булғанишдан сақлаш табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим масалаларидан бири. Бунинг учун кейинги йилларда республикада, шу жумладан Андижон областида ҳам бир қанча чоралар кўрилди. Ёз вақтида, жумладан бизда ҳаво ҳарорати 40 даражага етишини ва ундан ҳам ошиб кетишини ҳисобга олиб шаҳарлар ва аҳоли пунктларини кўкламзорлаштириш, дам олиш зоналари вужудга келтириш борасида бизга катта ишлар қилмоқдамиз. Бизга табиатни муҳофаза қилувчи республика ва область жамиятлари катта ёрдам бермоқдалар. Бу жамият оммавий ташкилот бўлиб қолди. Республикада унинг иштироки билан боғ ва ўрмон ойликлари, илмий техникавий конференциялар ва шу каби ишлар ўтказиш анъанага айланди. Бизнинг областимизда ҳар йили «Андижон области ерларининг ноз-неъматлари» деган шиор остида виставкалар ташкил этилмоқда. Табиат ҳалқ университети тузилди ва ишлаб турибди.

Пахтакор республикалар шароитида атмосферадаги чангларнинг ачагина қисми пахта тозалаш саноатининг корхоналаридан чиқади. Бу зарарли чанг билан курашаётган областимиз мутахассислари чангларни тутиб қоладиган аппарат ихтиро қилдилар ва уни жорий этдилар. Бу аппарат органик ва минерал чангни сув билан аралаштириб юбориш принципи асосида ишлайди. Натижада ҳаводаги чангларнинг 98 процентини тутиб қолиш мумкин бўлиб қолди. Бу аппаратдан кенг фойдаланиш ва пахта тозалаш саноати учун бутун мамлакат миқёсида марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак.

Депутат ўртоқлар! Андижон областининг меҳнатчилари бизга КПСС Марказий Комитети бераётган ёрдамни ҳар кун сезиб турибдилар. Бу мадад бизни меҳнатда янги муваффақиятлар қозонишга руҳлантирмоқда. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини кутиб олишга ҳозирланаётган Ўзбекистон «оқ олтин»дан катта ҳосил олиш учун курашмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари 4 миллион 550 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Шундан 550 минг тоннасини андижонликлар беради. Бутун республикада бўлгани каби бизнинг областимизда ҳам партияга берган сўзимизнинг устидан чиқишимизга имкон берадиган ҳосил етиштирилди.

Социалистик интернационализмнинг қудратли кучи бизнинг барча муваффақиятларимизда ўз ифодасини топмоқда. Республика экономикаси, шу жумладан областимиз экономикаси тўхтовс

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

«СССРДА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СТАТУСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияси раиси депутат И. В. КАПИТОНОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиялари ва мандат комиссиялари «СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга тақдим этадилар. Сизларга маълумки, КПСС XXIV съезди бундай қонунни ишлаб чиқиш зарур эканлигини кўрсатган эди.

Съезднинг тарихий қарорлари эндиликда партиянинг, барча халқнинг бутун фаолиятини белгилаб бермоқда. Съезд қарорлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўтган бир ярим йил мобайнида экономикани ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш соҳасида олга қараб янги, улкан катта қадам қўйилди. Съезд белгилаб берган тинчлик программаси муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий позициялари тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда, социализм кучларининг халқаро майдондаги таъсири кучайиб бормоқда.

Коммунизм қуриш йўлидаги курашни социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантиришдан, Совет давлатини мустаҳкамлашдан, жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил этишнинг бутун системасини янада такомиллаштиришдан асло ажратиб бўлмайди.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари социалистик давлатимизнинг сиёсий негизидир. Советлар бу давлатнинг демократик характерини тўла-тўкис ифода этади. В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, Советлар меҳнаткашларнинг бевосита ташкилоти бўлиб, давлатни бошқаришда уларнинг ғоят кенг иштирок қилишларини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда икки миллиондан ортиқ киши Советларга депутат қилиб сайланган. Бу депутатлар шонли ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимизнинг, меҳнаткаш зиёлиларнинг, аҳоли барча социал гуруҳлари ва табақаларининг, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг вакилларидир. Ишчилар билан колхозчилар депутатларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Халқимиз кўпгина олимларни, инженерларни, врачларни, ўқитувчиларни, адабиёт ва санъат арбобларини, ҳарбий хизматчиларни Советларга депутат қилиб сайлади. Депутатлардан қарийб бир миллион киши хотин-қизлардан иборат. Барча депутатларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи ёшлардир. Бинобарин, депутатларнинг состави совет жамиятининг социал структурасини, унинг енгилмас бирлигини, СССР халқларининг тош-метиндек мустаҳкам жипслиги, дўстлиги ва қардошлигини акс эттиради.

Коммунистик партия Советларнинг ролини муттасил ошириш йўлини тутмоқда. Бу XXIV съезд қарорларида аниқ ифода этилди. Съезд партия томонидан кўрилган тадбирлар натижасида Советларнинг фаолияти актив ва кўп қирали бўлиб қолганлигини, хўжалик ва маданий қурилишнинг асосий соҳаларидаги ишлар аҳволи устидан уларнинг контроли кучайганлигини таъкидлаб, Советлар ўз функцияларини тўлароқ амалга оширишлари лозим эканлигини уқтириб ўтди, Советларнинг ишларини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Съездда депутатларнинг ролини янада ошириш керак эканлиги кўрсатилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот докладида бундай деди: «Олий Советлардан тортиб посёлка Советларига қадар депутатларнинг статусини — уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқларини, шунингдек мансабдор шахсларнинг депутатларга нисбатан бурчларини белгилаб берадиган махсус қонун ишлаб чиқиш пайти келди. Бизнинг фикримизча, бундай қонуннинг қабул қилиниши депутатларнинг обрўси ва активлигини оширган бўлур эди». Съезд бу таклифни маъқуллади ва уни ўз резолюциясига ёзиб қўйди. Партия билан халқ бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Съезднинг кўрсатмасига мувофиқ, депутатларнинг статуси тўғрисида муҳокамангизга тақдим этилган қонун лойиҳаси тайёрланди.

Комиссиялар қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вақтида совет ваколлик системасининг асосий принципларига амал қилдилар. Бу принциплар социализм шароитида давлат ва ижтимоий тузум тўғрисидаги ленинча ғояларни мужассамлаштирди ва конституциямизга ёзиб қўйилгандир. Қонун лойиҳасида амалдаги иттифоқ ва республика қонунлари эътиборга олинди. Айни вақтда унда ҳозирги шароитда Советлар олдида турган вазифаларга мувофиқ депутатларнинг ваколатини кенгайтирадиган бир қанча янги қоидалар баён қилинган.

Депутатлар статуси тўғрисидаги қонун лойиҳаси Умумиттифоқ қонун акти сифатида тайёрланди. Бу қонун акти қишлоқ ва посёлка Советларидан тортиб СССР Олий Советига қадар барча Советлар фаолиятининг энг муҳим, умумий масалаларини ҳал этиши лозим. Масалани ҳал этишга бундай ёндошиш давлат тузумимизнинг моҳиятидан, барча звенодаги Советларнинг фаолиятини, шунингдек, депутатларнинг ишларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш принциплари муштарак эканлигидан келиб чиқади. Бизда барча звенодаги Советлар депутатларининг корхона ва ташкилотлардаги мансабдор шахслар билан муносабатлари ҳам принцип жиҳатидан бир хил бўлган асосга таянади.

Ҳамма босқичлардаги Советлар депутатларининг фаолияти ва ваколатлари тўғрисидаги асосий низомлар қонунчилик практикамизда биринчи марта депутатлар статуси тўғрисидаги қонунда мужассамланган ҳолда баён этилди. Шуни айтиш керакки, депутатлар статуси тўғрисидаги қонунни тайёрлаш учун кўпгина дастлабки ишларни бажариш талаб этилди. Бу ишда кўпгина депутатлар, партия ва совет ходимлари, олимлар қатнашдилар.

Депутатлар статуси билан боғлиқ масалалар матбуот саҳифаларида муҳокама қилинди. Қонун лойиҳаси юзасидан иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларидан, марказий министрликлар ва республика министрликлари ҳамда идораларидан, илмий муассасалардан таклиф ва мулоҳазалар олинди. Лойиҳа устида ишлаш жараёнида бу таклиф ва мулоҳазаларнинг талайгина қисми эътиборга олинди. Бу эса практика талабларини, депутат фаолиятининг етилган масалаларини лойиҳада тўлароқ акс эттириш имконини берди.

Комиссиялар ишлаб чиққан Қонун лойиҳаси СССР Олий Совети Президиуми томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Депутат ўртоқлар!

Қонун лойиҳаси сизларга тарқатилди. Сизлар бу лойиҳа билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлдингиз. Шу сабабли қонун лойиҳасининг асосий қоидаларигагина тўхталиб ўтишга ижозат берасиз.

Лойиҳа кириш қисми ва тўрт бўлимдан иборат. Кириш қисми депутатнинг ролини кўрсатиб беради, депутат фаолиятининг сиёсий моҳияти ва асосий вазифасини характерлайди.

Бизнинг жамиятда депутатнинг мавқеи, аввало, шу нарса билан белгиланадики, у Советлар томонидан давлат ҳокимиятини амалга оширишда қатнашишга, халқнинг иродаси ва манфаатларини ифодалашга халқ томонидан вакил қилингандир. Коммунистик партиянинг снёсати, бу сиёсатни оғишмай амалга ошириш учун кураш олиб бориш Советлар ва Совет депутатлари бутун фаолиятининг мустаҳкам негизидир.

Ҳозирги даврда партиянинг иши бутун халқнинг муштарак иши бўлиб қолди, коммунизм қурилиши эса халқнинг олий мақсадидир. Депутатлар ўзларининг бутун куч ва билимларини ана шу буюк ишга бағишламоқдалар. Улар халққа, социалистик Ватанга фидокорона хизмат қилишлари билан, меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳамиша изчиллик билан қатъиқ туриб ҳимоя қилаётганликлари туфайли иззат-ҳурматга сазовор бўлдилар.

Депутатлар фаолиятининг мазмунини белгилайдиган ва Советларнинг кундалик ишида қатъий қарор топган бу принциплар қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Лойиҳанинг биринчи бўлимида депутатнинг статусини белгилайдиган умумий қоидалар, унинг ваколат муддатлари, бу соҳада умумиттифоқ ва республика қонунларининг ўзаро муносабати баён қилинган.

Халқ вакиллиги органлари бўлмиш Советларнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар давлат ва жамоат ташкилотларининг хусусиятларини узвий равишда бирга қўшиб олиб борадилар. Бу эса, депутат фаолиятининг характерини ҳам белгилаб беради. Қонун лойиҳасида айтилганидек, депутатлар ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда депул амалга оширадилар.

В. И. Ленин буржуа парламентаризмининг концепцияларини рад этиб, бундай деган эди: депутатлар «ўзлари ишлашлари, ўз қонунларини ўзлари бажаришлари, турмушда ҳосил бўлган нарсаларни ўзлари текширишлари, ўз сайловчилари олдида бевосита ўзлари жавобгар бўлишлари лозим». (Асарлар, 25-том, 467-бет).

Ана шу ленинча ғоя қонун лойиҳасида ҳам мужассамланди. 2-моддада таъкидлаб ўтилганидек, Советлар томонидан давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши Советнинг бутун ишида ҳар бир депутатнинг актив иштирокига асосланади. Депутатлар давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этадилар, Советларнинг қарорларини амалга оширишни ташкил этадилар, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини контроль қилишда, шунингдек Советларнинг бошқа ваколатларини амалга оширишда қатнашадилар.

Совет—давлат ҳокимиятининг коллектив органи бўлиб, халқнинг сайлаб қўйилган, мухториятли вакилларидан иборатдир. Советнинг муваффақиятли ишлаши ҳар бир депутатга боғлиқдир. Лойиҳанинг иккинчи бўлими депутатнинг Советдаги ишига бағишланган. Бу бўлимда депутатларнинг Советдаги ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатлари, шунингдек, Совет ва Совет органларининг депутатларга нисбатан бурч ва ҳуқуқлари белгиланган.

Маълумки, Совет компетенциясига киритилган асосий масалалар Советнинг сессияларида ҳал қилинади. Партия ҳужжатларида уқтириб ўтилганидек, Советлар сессиясининг ишини янада такомиллаштириш уларнинг ролини оширишнинг зарур шартларидан биридир. Бу йўл кейинги йилларда қонунчиликда ҳам, практикада ҳам ўтказиб келинмоқда.

Советларнинг сессияларн қонунда белгиланган муҳлатларда чақирилади. Сессияларда қараб чиқиладиган масалаларнинг доираси кенгайтирилди. Советлар фаолиятига онд саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, капитал қурилишни, савдо-сотиқ ва маиший хизматни, коммунал хўжаликни, халқ маорифи ва соғлиқни сақлашни, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартибини таъминлашга доир туб масалалар сессиялар муҳокамасига қўйилмоқда. Бу эса Советларнинг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбия функцияларини тўлароқ амалга оширишларига ёрдам беради.

Депутат сессияга тайёргарликда ва унинг ишида қатнашиш билан Советнинг партия ва давлат директиваларини, халқ хўжалик планларини бажариш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш соҳасидаги вазифаларини муваффақиятли ҳал этишига ёрдам беради. Айни вақтда у давлатни бошқариш мактабини ўтайди. Шу сабабли, қонун лойиҳасида кўрсатиб ўтилганидек, депутатнинг сессияларда актив иштирок қилиши унинг асосий бурчларидан биридир.

Депутатлар ҳал этилиши лозим бўлган масалалар устида жиддий фикр юритиш, жойлардаги ишнинг аҳволи билан танишиб чиқиш, сайловчиларнинг фикрини суриштириб билиш учун етарли фурсатга эга бўлганларида, сессиялар кўпроқ самара беражагини тажриба кўрсатиб турибди. Бу сессияларда кўриладиган масалаларни иш ва ҳаётни яхши билган ҳолда пухта муҳокама қилиш имконини беради. Шу муносабат билан сессия чақириладиган вақт ва жой тўғрисида, Совет муҳокамасига қўйиладиган масалалар ҳақида депутатни барвақт хабардор қилиш ҳамда бу масалалар юзасидан зарур материалларни тақдим этиш вазифаси Советларнинг тегишли органлари зиммасига юкланади.

Депутатларнинг доимий комиссиялардаги иши муҳим аҳамиятга эгадир. Советлар комиссияларга таяниб кўп масалаларни ҳал этадилар, қабул этилган қарорларнинг бажарилишини ташкил қиладилар. Ҳозирги вақтда Советларда жами уч юз мингдан ортиқ доимий комиссия ташкил этилган. Бу комиссияларнинг составида бир миллион етти юз мингдан ортиқ депутат бор. Бу — бошқарув аппаратининг фаолиятини такомиллаштиришга, хўжалик-снёсий вазифаларни бажаришга анча таъсир кўрсатадиган катта кучдир.

Депутат ўртоқлар!

Маълумки, ҳозирги шароитда партия ва давлатнинг иқтисодий снёсатини амалга ошириш учун ҳамма босқичлардаги Советларнинг роли ва масъулияти ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида депутатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғланган амалий вазифаларни ҳал этишга меҳнаткашларни сафарбар қилиш соҳасида амалий ташкилотчилик ишларини олиб боришларини кўзда тутади.

Депутатлар коммунизм учун, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини бажариш учун курашнинг ҳамма соҳаларида фидокорлик билан ижодий иш қилаётганликларини кўрсатадиган мисоллар қаётда кўп учрайди.

Депутатлар барча корхоналар ва қурилишларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш учун актив иш олиб бормоқдалар, техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда Қозоғистонда, Сибирда ва мамлакатимизнинг бошқа районларида минг-минглаб депутатлар шу йилнинг ғоят мураккаб об-ҳаво шароитида ҳосил учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Пойтахтимиздаги депутатлар Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш учун кенг кўламда самарали иш қилмоқдалар.

Қонуннинг қабул қилиниши депутатларнинг янада кенг кўламдаги ижодий ишлари учун шартшароит яратиб беради. Лойиҳада айтилади, депутат ишлаб чиқариш ва ижтимоий-снёсий ҳаётда, Советларнинг қарорларини амалга оширишда актив қатнашади.

Қонун лойиҳаси депутатнинг Советдаги асосий ҳуқуқларини белгилаб беради. Қонун лойиҳасида айтиладики, депутат сессияда қараб чиқиладиган ҳамма масалалар юзасидан ҳал қилувчи овоздан фойдаланади, Совет органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Депутат муҳокама этиладиган масалаларнинг моҳияти юзасидан, Совет тузадиган органларнинг шахсий состави юзасидан таклиф киритиш, ўз таклифларини асослаб нутқ сўзлашга ҳақлидир.

Маълумки, депутатларнинг муваффақиятли ишлаши уларнинг мулоҳаза ва таклифлари нечоғли эътибор билан қараб чиқилиши ва амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари бу соҳада ҳали кўп иш қилишлари керак.

Қонун лойиҳасида депутатлар томонидан сессияга қўйиладиган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқиш тартиби белгиланади. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида таъкидлаб ўтилганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар депутатларнинг мулоҳаза ва таклифларини белгиланган муддатларда қараб чиқиб, зарур чораларни кўриш ва бунинг натижаларини депутатга ҳамда Советларнинг тегишли органларига хабар қилишга мажбурдирлар. Бу қоидаларнинг амалга оширилиши депутатларнинг ташаббусини янада кўпроқ кучайтиришга ёрдам беради.

Кейинги вақтларда СССР Олий Совети ва иттифоқдош ҳамда автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг қонун чиқариш фаолияти кенгайди. Ер ва сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тўғрисида, меҳнат, соғлиқни сақлаш ҳақида, никоҳ ва оила тўғрисида ва ғоят муҳим бўлган бошқа бир қанча масалалар юзасидан янги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар мамлакатимиздаги ижтимоий муносабатлар тараққиётининг ҳозирги босқичини, ривож топган социалистик жамиятнинг эҳтиёж-талабларини акс эттиради.

СССР Олий Совети, иттифоқдош республика, автоном республика Олий Совети депутатининг қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи тўғрисидаги модданинг лойиҳага киритилганлиги депутатларнинг қонунларни тайёрлашдаги ролини оширишга шубҳасиз ёрдам беради.

Советлар хўжалик ва маданий қурилишнинг асосий соҳаларидаги ишларнинг аҳволини, бошқарув аппаратининг ишини контроль қилишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Олий Советларнинг сессияларида Министрлар Советларининг докладлари, министрликлар ва идораларнинг ҳисоботлари муҳокама қилинмоқда. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг, уларнинг бўлимлари ва бошқармаларининг ҳисоботларини мунтазам суратда тинглаб турадилар.

Қонун лойиҳаси Советнинг топшириғига биноан депутатнинг Совет қараб чиқадиган масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини текширишга ҳақли эканлигини кўзда тутади. Шу билан бирга, депутатнинг ўзи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини текшириш тўғрисидаги масалани Советда ва унинг органларида ўртага қўйиш ҳуқуқига эгадир. Депутатларнинг шундай текширишларда иштирок қилиши партия ва ҳукуматнинг айрим масалалар юзасидан берган Директивалари жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан контролни янада кўпроқ кучайтириш имконини беради.

Депутатлик сўрови Советнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахслар иши устидан контроль қилишнинг таъсирчан воситаларидан биридир. Ишнинг бу формаси кундалик практикада тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Ўтган йили депутатлар Советларнинг сессияларида 40 мингга яқин сўров киритилганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Қонун лойиҳасининг 14-моддасида конституцион нормаларга асосланиб ва мавжуд практикани ҳисобга олиб, СССР Олий Совети депутати, иттифоқдош республика Олий Советининг депутати, автоном республика Олий Советининг депутати тегишли равишда СССР ҳукуматига, иттифоқдош республика ҳукуматига, автоном республика ҳукуматига ёки министрларга ва Олий Совет тузадиган бошқарувнинг бошқа органлари раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, иттифоқдош республика Олий Советининг депутати ва автоном республика Олий Советининг депутати республика территориясида жойлашган умумиттифоқ қарамогидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига республика ихтиёрига берилган масалалар юзасидан сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Маҳаллий Советларнинг депутатлари эса ижроия комитетга, унинг бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларига, шунингдек Совет территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур Совет компетенциясига берилган масалалар юзасидан сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шундай қилиб, депутатларнинг бу борадаги ҳуқуқлари ғоят кенгайтирилади. Бу эса етилган масалаларни ҳал этишга, мавжуд камчиликларни бартараф қилишга актив таъсир кўрсатиш имконини беради.

Советлар ва уларнинг депутатлари социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайдилар. Қонун лойиҳасида бунга алоҳида эътибор берилган. Давлат ҳокимиятининг вакили бўлмиш депутат ҳамиша Совет қонунларини муҳофаза қилиши лозим. Гражданлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ёки жамоат тартиби бузилган тақдирда депутат бундай бузишларга барҳам беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Депутат мансабдор шахсларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маъмуриятига, милиция ходимларига ўз талаби билан мурожаат қилган тақдирда, улар бузишларга барҳам бериш учун ва зарур ҳолатларда эса айбдорларни жавобгарликка тортиш учун дарҳол чора кўришга мажбурдирлар.

Депутат ўртоқлар!

Омма билан чамбарчас алоқа боғлаш, доим оммага таяниш — Советлар фаолиятининг энг муҳим хусусияти, Советларнинг коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишлари гаровидир. Бу алоқаларнинг тобора мустаҳкам, кенг ва кўп қирали бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир депутатнинг бурчидир. Депутат ҳар қандай ишни бажарганида — Советнинг сессиясида сўзга чиққанида ёки доимий комиссияда масалаларни муҳокама қилганида, гражданларни қабул қилганида ёки уларнинг аризалари билан шуғулланганида, корхона ёки муассаса ишларини текширишда қатнашганида ҳамиша халқ манфаатларига асосланиб иш кўриши, халқнинг хоҳиш-иродасини тўғри ифода қилиши лозим.

Депутат, аввало, умумдавлат манфаатларига асосланган ҳолда, сайлов округида яшовчи аҳолининг талаб-эҳтиёжларини, шунингдек республиканинг, автоном областнинг, миллий округнинг иқтисодий, маданий, миллий хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини эътиборга олиши лозим.

Депутатларнинг сайловчилар наказларини бажариш соҳасидаги иши муҳим аҳамиятга эгадир. Кишиларнинг юксак снёсий онглилиги, уларнинг давлат ва жамоат ишларидан, етилган социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишдан манфаатдорлиги ана шу наказларда ўз ифодасини топади. Сайловчиларнинг йиғилишларида муҳокама этилган ва маъқулланган наказлар жуда катта аҳамият касб этади.

Советлар сайловчиларнинг наказларини бажариш соҳасидаги ишларида кўп тажриба тўпладилар. Лоақал қуйидаги факт бунга исбот қилади: кейинги вақтларда сайланган Советлар ярим миллиондан ортиқ наказни бажариш учун қабул қилдилар. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи наказларга нисбатан бундай муносабат социалистик давлат тузумидагина бўлиши мумкин. Бу нарса қонун лойиҳасида ўзининг конкрет ифодасини топади. Қонун лойиҳасида бундай дейилади: наказлар Совет томонидан қараб чиқилади, халқ хўжалик планларини ишлаб чиқиш ва бюджетни тузиш вақтида ҳисобга олинади. Депутатлар сайловчиларнинг наказларини амалга ошириш учун ҳаракат қиладилар, бу наказларни бажариш учун аҳолини уюштирадилар.

Советларнинг омма билан алоқани мустаҳкамлашлари депутатларнинг бевосита меҳнаткашлар ўртасида қандай иш олиб бораётганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қонун лойиҳасининг учинчи бўлими депутатлар фаолиятининг шу жиҳатига бағишланган. Бу бўлимда депутатнинг сайлов округидаги ишига доир турли масалалар ҳал этилади. Лойиҳада таъкидлаб ўтилганидек, депутатларнинг сайловчилар билан кун сайин амалий алоқа боғлашлари ҳар бир Совет фаолиятининг самарали бўлиши учун зарур шартдир.

Кейинги вақтларда депутатлар практикаси меҳнат коллективларида ҳам, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ҳам олиб борилаётган оммавий ишнинг кўпгина янги формалари билан бойитилди. Лойиҳада айтиладики, депутат сайловчилар ўртасида олиб борадиган ишида Совет активи, жамоат ташкилотлари, аҳоли жамоатчилик ихтиёрий органларининг ёрдами ва мададига таянади.

Маълумки, гражданларни қабул қилиш депутатнинг фаолиятида катта ўрин олади. Одамлар маслаҳат ва ёрдам сўраб депутат ҳузурига борадилар, қувончларини ҳам, ташвишларини ҳам у билан баҳам кўрадилар, кўнгилларида бор гапларини айтиб берадилар. Улар депутатлар олдига турли-туман масалаларни қўядилар. Бу масалалар кўпинча муҳим аҳамиятга эга бўлиб, омманинг кайфиятини акс эттиради. Шу сабабли қонун лойиҳасида кўзда тутилганидек, депутат ўзининг депутатлик фаолияти муносабати билан вужудга келадиган масалалар юзасидан тегишли таклифларни Советга тақдим эта олади, аҳолининг эҳтиёж ва талабларини Советга маълум қила олади.

Лойиҳанинг 19-моддасида бундай дейилган: депутат ўзи томонидан юборилган таклифлар, аризалар ва шикоятлар Совет территориясида давлат органларида, корхоналарда, муассасаларда қандай қараб чиқилаётганлиги устидан контролни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Депутат ўзи томонидан кўйилган масалаларни қараб чиқишда шахсан қатнаша олади.

Депутатларнинг сайловчилар ҳузурида ҳисоб беришлари қандай катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. 1970 ва 1971 йилларда барча депутатларнинг 95 процентдан кўпроғи сайловчилар олдида ҳисоб берди. Неча ўн миллионлаб меҳнаткашлар депутатлар билан учрашувларда қатнашди.

Депутатларнинг ҳисобдорлиги принципи қонун лойиҳасининг 6- ва 20-моддаларида ўзининг конкрет ифодасини топди. Бу моддаларда мавжуд практика ҳисобга олиниб, сайловчилар олдида ҳисоб бериш муҳлатлари ва тартиби белгиланган. Бундан ташқари, лойиҳада айтиб ўтилганидек, депутатлар Советнинг иши тўғрисида, планларнинг, Совет қарорларининг ва сайловчилар наказларининг бажарилиши тўғрисида ўз сайловчиларига ахборот берадилар.

Депутатнинг ҳисобдорлиги ва контроль қилиниши шу нарсадан далолат берадики, меҳнаткашлар депутатни сайлаш билангина чекланмай, ўз бурчларини қандай бажараётганлигини ҳам суриштириб била оладилар. Бизнинг Конституциямизда сайловчиларнинг депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи баён қилинган. Депутатни чақириб олиш тартиби махсус қонунлар билан белгиланади. Сайловчиларнинг ана шу ҳуқуқи тўғрисида биз бугун қараб чиқаётган лойиҳада ҳам гапирилади.

Хуллас, қонун лойиҳаси Советлар ва Совет депутатларининг бутун иши кишилар кўз ўнгида бажарилишини, кишилар уларнинг ишини астойдил қўллаб-қувватлашларини, бу ишлар оммaнинг доимий назорати остида бажарилишини назарда тутади. Қонун лойиҳасига киритилган қоидалардан кузатилган мақсад — Советлар фаолиятидан оммани кенг хабардор қилишдан ҳам иборат.

Депутат ўртоқлар!

Коммунистик партия ва Совет давлати депутатнинг ўз ваколатларини ҳеч монесиз ва самарали амалга ошириши учун шарт-шароит яратиб бермоқда.

Амалдаги қонунларда депутатлик фаолиятининг бир қатор ташкилий-снёсий, ҳуқуқий ва моддий гарантиялари белгиланган. Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган қонун лойиҳасининг тўртинчи бўлимида бу гарантиялар акс эттирилган ва кенгайтирилган. Бунда таъкидлаб ўтилишича, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари депутатнинг ваколатларини амалга ошириши учун унга ёрдам беришга мажбурдирлар.

Лойиҳада айтиладики, депутат ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ва мансабдор шахсларга мурожаат қила олади. Айни вақтда уларнинг депутат мурожаатини қараб чиқиб, қонунда белгиланган муҳлатда жавоб қайтариш мажбурияти кўзда тутилган.

Бу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бунинг боиси шуки, депутатнинг таклифларини амалга ошириш юксак даражада уюштирилмаганлигини, депутатларнинг таклифлари юзасидан қандай чоралар кўрилганлиги уларга баъзан маълум қилинмаётганлигини кўрсатадиган ҳоллар ҳануз учраб туради.

Депутатларнинг энг муҳим масалаларга доир таклифларига келганда шуни айтиш керакки, бу таклифлар Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг коллегиялари, Министрлар Советлари, Олий Советларнинг Президиумлари томонидан қараб чиқилиши лозим.

Советларнинг сессияларида қатнашиш ва қонун томонидан белгиланган бошқа ҳолларда депутатлар ўз ваколатларини бажариш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилинадилар. Депутатларнинг доимий иш жойида уларнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Депутат меҳнат ҳуқуқларининг баъзи гарантиялари қонун лойиҳасида янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди. Жумладан, қуйидагилар кўзда тутилади: ҳар бир Советнинг депутати аввалдан Советнинг розилигини олмай туриб маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши, колхоз аъзолигидан чиқарилиши ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишга кўчирилиши мумкин эмас.

Лойиҳада депутатларга юридик ёрдам кўрсатиш, уларга зарур материаллар бериш, тажрибаларни баҳам кўришни уюштириш масалаларига катта аҳамият берилади.

Депутатнинг вазифалари ортиб бораётганлигини, шунингдек депутат доим шуғулланиши лозим бўлган масалалар кўпайганлигини эътиборга олиб, Олий Советлар ва маҳаллий Советлар депутатларининг транспортда бепул юриш ҳуқуқидан кенгроқ фойдаланишлари кўзда тутилади.

Депутатлик дахлсизлиги тўғрисидаги қоидалар аниқланади ва конкретлаштирилади.

Кўп депутатлар, совет ходимлари, жамоатчилик вакиллари маҳаллий Советларнинг депутатлари кўкракка тақиб юрадиган нишонни таъсис этиш масаласини кўтардилар. Кўпчиликнинг фикрича, бу нарса депутат активлигини кучайтириш воситаларидан бири бўлур эди. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида кўзда тутилганидек барча Советларнинг депутатларига депутатлик гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишон берилади, депутатлар булардан ўз ваколатлари муддати давомида фойдаланадилар.

СССР Олий Советининг депутатлари, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг депутатлари депутатлик нишони депутатдан кўп нарса талаб қилганлигини ўз тажрибаларидан яхши биладилар. Маҳаллий Советларнинг депутатлари учун бундай нишон таъсис этилиши, ҳозирги кунда депутатлар олдига қўйилаётган катта талабларга мос бўлиб тушади.

Ўртоқлар, депутатларнинг ваколатларини белгилаб берувчи депутатлар статуси тўғрисидаги қонун лойиҳасининг асосий қоидалари шулардан иборат. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: «Ваколат деган сўзда эса икки тушунча — ҳуқуқ ва бурч тушунчаси бириб кетган, Ўртоқлар, бу ҳам юксак иззат-ҳурмат, ҳам юксак масъулиятдир».

Бутун қонун лойиҳаси ҳам шунга асосланган. Қонун лойиҳаси депутатларнинг ҳуқуқларини кенгайтириб, уларнинг фаолият гарантияларини кучайтиргани ҳолда, ҳар бир депутатга ўзининг юксак номига муносиб бўлиб, бу номни фаол ишлаш билан оқлаш, ҳамма ишда халққа хизмат қилиш намунасини кўрсатиш бурчини юклайди.

Қонунинг қабул қилиниши депутатларнинг ташаббусини ривожлантириш учун, Советларнинг бутун ишини янада юксак даражага кўтариш учун янги имкониятлар яратиб беради.

Янги қонунинг амалга оширилиши амалдаги Умумиттифоқ қонунлари, шунингдек, иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар қонунларининг баъзи қоидаларини унга мувофиқлаштиришни талаб этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикалар аввалдагидек бундан буён ҳам ўз қонунларига мувофиқ тегишли Советлар депутатлари ҳуқуқий мавқеининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, зарурат бўлишига қараб депутатлик фаолиятига оид масалаларни ҳал этадилар.

Қонун кучга кириши билан ҳар бир Совет қонундаги қоидалар нуқтаи назаридан депутатлар билан олиб борадиган ишларини таҳлил этиб чиқса керак. Депутатлик фаолияти практикасида вужудга келадиган яхши тажрибаларнинг ҳаммасини доим умумлаштириш ва ёйиш зарур.

Бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемиз бу соҳада кўп иш қила олади. «Известия» газетаси, «Совети депутатов трудящихся» журнали, республика, ўлка, область газеталари саҳифаларида янги қонун қоидалари қандай амалга оширилаётганлигига доир материалларни мунтазам суратда босиб чиқариш мақбул бўлур эди.

Депутатнинг иши кўп куч ва ғайрат сарфлашни талаб этади. Шу сабабли ҳар бир депутат ўзининг ҳамма ишларида ўзини ҳокимият органига сайлаган жамоат ташкилотлари меҳнат коллективларининг мададини доим ҳис этиб туриши ғоят муҳимдир. Депутатнинг активлиги, унинг ўз фаолитида муваффақият қозониши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ эканлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Советлар депутатлари статуси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши социалистик демократияни, Совет давлатчилигимизни ривожлантиришда яна бир муҳим қадам бўлади. Бу ҳужжат Коммунистик партия ва Совет давлатининг депутат тўғрисида, тўла ҳуқуқли вакиллик органлари бўлмиш советларнинг ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатувчи янги далил бўлади.

Депутат ўртоқлар!

СССР Олий Совети депутатларнинг статуси тўғрисидаги қонунни СССР ташкил топган кунинг 50 йиллиги арафасида муҳокама қилаётганлиги қувончли бир ҳодиса. Советлар мамлакатимизнинг халқларини кўп миллатли социалистик давлатга жипслиштиришда жуда катта роль ўйнадилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, Советлар меҳнаткаш аҳолининг барча табақаларига яқинлиги ва

СОВЕТ–ИРОҚ ҚЎШМА АХБОРОТИ

(Боши биринчи бетда)

Совет Иттифоқи ва Ироқ Республикаси мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, ҳар иккала мамлакат ўртасида вужудга келган ва совет ҳамда Ироқ халқларининг туб манфаатларидан келиб чиқадиган дўстона муносабатлар суверенитет ва территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслигинг мустаҳкам негизига таянади. Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган Шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтириш учун мустаҳкам халқаро-ҳуқуқий асосни вужудга келтиради, араб халқларининг прогрессив социал-иқтисодий ғалабаларни сақлаб қолиш учун, империализмга, сионизм ва реакцияга қарши курашига жуда катта ҳисса қўшади, деб таъкидлайдилар ўтилди.

Саддам Ҳусайн бошчилигидаги Ироқ партия-ҳукумат делегациясининг 1972 йил февраль ойида Москвага қилган визити ва А. Н. Косигин бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг 1972 йил апрель ойида Бағдодга қилган визити ҳар иккала мамлакат ўртасида партиявий ва давлат йўли билан ўрнатилган ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Томонлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Араб социалистик уйғониш партияси ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг ривожланаётганлигидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Улар ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларини, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш ва тинчлик, тараққиёт ҳамда социализм иши учун, империализмга ва сионизмга қарши, жабр-зулм ва эксплуатациянинг ҳамма формаларига қарши курашни кучайтириш манфаатларини кўзлаб бу алоқаларни бундан буён ҳам кучайтириш ва кенгайтириш тўғрисида келишиб олдилар.

Томонлар миллий нефть саноатини вужудга келтириш ва ривожлантириш соҳасида, шунингдек ҳалқаро нефть монополияларининг тазйиқи остида содир бўлган қийинчиликларни бартараф қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигидан мамнун эканликларини айтдилар.

Томонлар иқтисодий ҳамкорлик, савдо-сотиқ, илмий ва маданий алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ироқ Республикаси қуролли кучларининг жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида Совет Иттифоқи ва Ироқ бу республиканинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш борасидаги конкрет тадбирлар тўғрисида ҳам келишиб олдилар.

Президент А. Ҳ. ал-Бакр Ироқ халқининг империализмга, сионизмга қарши, янги қаёт барпо этиш йўлидаги курашида ҳамкорлик қилаётганлиги ва Ироқ халқига ҳар томонлама мадад бераётганлиги учун Совет Иттифоқига самимий ташаккур изҳор қилди.

Томонлар ўзаро тузилган шартнома руҳида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилаётганликларини билдирадилар. Улар халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, халқаро кескинликни юмшатиш, ёпасига ва батамом қуролсизланиш учун, ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа ҳамма турларини тақиқлаш учун курашда мақсадларининг муштараклигини яна бир марта таъкидладилар. Совет Иттифоқи ва Ироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсадлари ва принципларини, халқаро ҳуқуқ нормаларини, халқаро битим ва шартномаларни қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидладилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги аҳволни батафсил муҳокама қилдилар ва Исроил империалистларининг араб халқларига қарши агрессияни хатарли суратда кучайтираётганликларини, босиб олинган араб ерларини Исроилнинг абадий оккупация қилиб туришга ва Фаластиндаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатини тугатишга уринаётганлигини қайд қилдилар. Совет Иттифоқи ва Ироқ Республикаси бундай аҳвол араб халқларининг ҳуқуқларига сурбетларча ҳамла қилишдан иборат бўлиб, бу районда ва бутун дунёда тинчликка бўлган хавфни кучайтиради, деб таъкидлайдилар.

Бу ҳол АҚШнинг сиёсий, молиявий ва ҳарбий ёрдами билан Исроил томонидан араб давлатларига қарши давом эттирилаётган агрессиянинг бевосита натижасидир. Халқаро империализм араб мамлакатларидаги тараққийпарвар режимларга путур етказиш, араблар озодлик ҳаракатининг ўз қонуний мақсадларига эришувига халақит бериш учун интилмоқда.

Шу муносабат билан араб давлатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, арабларнинг барча имкониятларини империализмга ва реакцияга қарши курашга сафарбар қилиш, шунингдек дўст мамлакатлар ва социалистик давлатлар билан, аввало, Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Совет Иттифоқи араб мамлакатларининг халқларини қўллаб-қувватлашдан иборат ўз позициясини ва совет—араб дўстлигига садоқатини яна бир марта таъкидлади.

Томонлар империалистик кучларнинг Яқин Шарқдаги агрессив сиёсатига қарши ва Исроил агрессиясининг давом эттирилишига қарши курашни кучайтириш зарур эканлигини уқтириб ўтдилар.

Совет Иттифоқи ва Ироқ Сурия ва Ливанга ҳаводан босқинчиларча ҳужум қилаётган Исроил агрессиясининг янги жиноий ҳуружларини, шунингдек Ливаннинг жанубига қилинган қуролли интервенцияни қатъий қораладилар. Томонлар Тель-Авив агрессияни тўхтатсин ва Исроил ҳамма қўшинларини Ливан тупроғидан дарҳол олиб чиқиб кетсин, деб талаб қилдилар.

Томонлар босиб олинган барча араб территорияларини озод қилмай туриб, Фаластиндаги араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминламай туриб бу районда ҳаққоний ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши мумкин эмас, деб яна таъкидладилар.

Томонлар фаластинлик араб халқининг ўз қонуний ҳуқуқларини тиклаш учун олиб бораётган курашини тамомила қўллаб-қувватлаётганлиги ва ирони айтдилар. Улар Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатини араб миллий озодлик ҳаракатининг таркибий қисми деб ҳисоблайдилар ва аввалдагидек бундан буён ҳам бу ҳаракатга моддий ёрдам берамиз ва уни маънавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз, дедилар.

Томонлар Эрон кўрфазидаги араб халқлари империалистлар тузган ва бу халқларнинг озодлиги ҳамда мустақиллигини хавф остида қолдираётган агрессив режимларни барбод этиш учун олиб бораётган курашини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар. Улар Эрон кўрфазидаги халқларнинг ўз тақдирини ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай ўзлари ҳал этиш ҳуқуқи таъминланиши лозим деб таъкидладилар.

АҚШ Ҳинди-Хитой мамлакатларида агрессияни давом эттираётганлиги ва уларнинг ишларига аралашаётганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ва Ироқ бу райондаги аҳволдан ташвишланаётганликларини билдирдилар. Улар империалистик агрессияга қарши, ўз мамлакатларининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Вьетнам, Камбоджа, Лаос халқлари билан бирдам эканликларини таъкидладилар. Совет Иттифоқи ва Ироқ Республикаси Вьетнам Демократик Республикасининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг таклифларини астойдил қўллаб-қувватлайдилар. Бу таклифлар Вьетнам проблемасини ҳал этиш учун адолатли ижобий негиздир. Улар Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш дарҳол тўхтатилсин, АҚШнинг ва АҚШ иттифоқчиларининг барча қўшинлари Жанубий Вьетнамдан сўзсиз олиб чиқиб кетилсин, бу райондаги халқларнинг ўз тақдирини ўз миллий манфаатларига мувофиқ ва ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай мустақил ҳал этишдан иборат қонуний ҳуқуқлари таъминлансин, деб талаб қиладилар.

Совет Иттифоқи ва Ироқ Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг мамлакатни демократик асосда тинч йўл билан бирлаштириш ҳақидаги таклифларини ва корейс халқининг Америка қўшинларини Кореянинг жанубидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаётганликларини билдирадилар.

Совет Иттифоқи ва Ироқ Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳали ҳам мустамлакачилар зулми остида бўлган барча мамлакат ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқиш асосида эски ва янги мустамлакачиликни тамомила ва узил-кесил тугатишга эришиш зарур эканлигини айтдилар. Томонлар Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезияда ўтказилиб келаётган ирқий камситиш сиёсатини, шунингдек ирқчи режимларга ёрдам ва мадад бераётган империалистик давлатларнинг сиёсатини қоралардилар.

Томонлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашига тайёргарлик ва бу кенгашни чақириш хусусида фикрлашиб олдилар. Ироқ томони СССРнинг бу соҳада халқаро кескинликни юмшатиш, Европа қитъасида ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган катта ишларига юксак баҳо берди. Ироқ томони кейинги вақтларда Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларда содир бўлган ижобий силжишлардан мамнун эканлигини билдирди.

Ҳар икки томоннинг фикрича, президент А. Ҳ. ал-Бакрнинг расмий визити вақтида ўтказилган учрашувлар, музокаралар ва суҳбатлар Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасидаги, КПСС билан Ироқ БААС партияси ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кучайтириш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Президент А. Ҳ. ал-Бакр Л. И. Брежневни, Н. В. Подгорнийни ва А. Н. Косигинни дўстлик визити билан Ироққа келишга таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Визит вақти қўшимча равишда келишиб олинади.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда).

Комиссиялар СССР Госпанига министрликлар билан биргаликда кончилик корхоналарини ривожлантиришни планлаштиришнинг минерал хом ашёдан комплекс фойдаланишга кўмаклашувчи тартибини ишлаб чиқишни топшириш зарур деб ҳисоблайдилар, деди у.

Қўшимча докладда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, аввало, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Табиатни муҳофаза қилишнинг етилган проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш учун бизда зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор, деди пировардида В. А. Карлов. Мамлакатимизда ер, сув, ер ости бойликларидан ва ғўзал мамлакатимизда жуда кўп бўлган бошқа ҳамма табиий бойликлардан халқ манфаатларини кўзлаб тежаб-тергаб фойдаланиш таъминланишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Қўшимча докладдан кейин музокаралар бошланди. Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **С. Б. Ниёзбеков** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У республика меҳнаткашлари шонли юбилей — СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини кутиб олишга қандай ҳозирлик кўраётганликлари тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ўрмонлар кенгайиб бораётганлиги сабабли улар санитария-гигиена ва эстетик жиҳатдан тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шаҳар меҳнаткашларининг яхши дам олишлари учун шарт-шароит вужудга келтириш, деди у, ҳозирги вақтда кечиктириб бўлмайдиган вазифаларнинг биридир. Бу вазифа умуман табиатни муҳофаза қилиш проблемаси билан чамбарчас боғланган.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, хушманзара жойларни кўпайтириш ва муҳофаза қилишга кўпроқ эътибор бериш зарур. Латвия ССРда шундай жойлар вужудга келтирилмоқда.

Нотиқ кўрилган тадбирларга қарамай, республикада сувни муҳофаза қилиш проблемаси ҳали тўлиқ ҳал этилмаганлигини таъкидлаб ўтди. У, тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга етарли даражада эътибор бермаётган баъзи министрликларнинг раҳбарлари, жумладан, СССР Балиқ хўжалиги министрлиги раҳбарларини танқид қилди.

Бутуниттифоқ чой ва субтропик экинлар илмий-тадқиқот институти агро-тупроқшунослик бўлимининг раҳбари депутат **М. К. Дараселия** ўз нутқида бундай деди: Грузия ССРда кўрилган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалик ерларидан бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш анча камайди. Иҳота дарахтзорлари кўпроқ барпо этилди. 12 минг гектардан кўпроқ майдонда қиялик, жарлар ва яроқсиз бошқа ерларга қўчат ўтқазилди. 400 колхознинг 280 минг гектар майдонида алмашлаб экиш жорий қилинди. Бу эса алмашлаб экишни жорий қилиш кўзда тутилган ҳамма майдонларнинг 70 процентидан кўпроғини ташкил этади. Шу билан бирга 15 градусдан кўпроқ қия бўлган тоғ этакларида чопиқ қилинадиган бир йиллик экинларни экишни тақиқловчи қарор республиканинг ҳамма жойларида амалга оширилмоқда, деб бўлмайди. Бундай қия жойлар эрозияга қарши самарали кураш олиб бориш имконини берадиган кўп йиллик ўсимликлар ва бошқа дарахтлар етиштириш учун ўзлаштирилиши лозим.

Кировоград областидаги «КПСС ХХ съезди» колхози трактор бригадасининг бошлиғи депутат **А. В. Гнталов** ўз нутқида колхоз ва совхозлардаги барча ерлардан фойдаланишни яхшилаш масалаларига тўхталиб ўтди.

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри, депутат **Е. Е. Алексеевский** ўз нутқида Ватанимизда жуда кўп сув заҳиралари борлигини айтди.

Сувнинг энг муҳим истеъмолчиси — қишлоқ хўжалигидир. Ҳозирги вақтда сарфланаётган сувнинг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Халқ хўжалигининг барча эҳтиёжларини узлуксиз қондириш учун Сибирь дарёлари ва шимолдаги дарёлар сувининг бир қисмини мамлакатнинг жанубий районларига оқизиш юзасидан тузилган катта лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланади. Куйбишев, Волга—Урал каби каналларни қуриш йўли билан Волга бўйининг қуруқчил ерларига бундан буён ҳам сув чиқарилади. Янгиариг ирригация иншоотининг тўнғичи Поволжье — Саратов канали бу ишга асос қўйди.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, деб таъкидлади Е. Е. Алексеевский, депутатларнинг танқидларидан тегишли хулосаларни чиқариб олади ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда мелиорация системаларининг техника даражасини янада ошириш ва улардан фойдаланишни яхшилаш, суғориш техникасини такомиллаштириш, сувдан тежамли фойдаланиш ҳамда ерни шўр босишига қарши курашни кучайтиради.

Молдавия ССР Вулканешти районидаги «Гигант» колхозининг раиси депутат **Д. Х. Рашкулев** ўз нутқида қуйидагиларни айтди: кейинги вақтларда табиатни муҳофаза этиш юзасидан қабул қилинган муҳим қарорларни барча совет кишилари маъқуллади. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ҳақидаги қонун асослари, сув ҳақидаги қонун асослари, сув ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қарор ва бошқа қарорлар шундай ҳужжатлардандир.

Д. Х. Рашкулев табиатни муҳофаза этиш ғояларини пропаганда қилиш, кишиларни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш замонамизнинг улкан вазифаларига ҳали жавоб бермаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Бизнинг республикамизда, деди Эстония ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Э. Г. Тинурист**, сув ресурслари анча кўп. Лекин шунга қарамай, саноатни ва аҳолини сув билан таъминлаш мураккаб проблема бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда республикада оқар сувларни тозалашни яхши йўлга қўйиш учун бир қанча тадбирлар кўрилди. Республикада лойиҳалаш-қидирув ташкилотларининг биргаликда амалга оширган тадбирлари натижасида ҳар хил қўватдаги биологик тозалаш иншоотлари қурилди.

Қирғизистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Ф. Т. Моргун** ер ресурсларидан рационал фойдаланиш ҳақида гапирди.

Паневежис районидаги «Литва Компартияси VI съезди» колхози раиси депутат **Ю. П. Лейшиса** сўз берилади. У айтдики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юксак даражаларга эришиш табиий бойликлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш билан, жонли табиат ресурсларини кўпайтириш билан, ўлканинг ўзига хос хусуситлари ва ҳусни-жамолини сақлаш билан бирга кўпайиб олиб борилиши керак. Депутат республикада ов қилинадиган жониворларни сақлаш ва кўпайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Чукотка округ Совети ижроия комитетининг раиси депутат **Л. Г. Тинель** бундай деди: мамлакатимизда амалга оширилаётган фан-техника революцияси одамлар кам яшайдиган янги ерларни ўзлаштиришни талаб этади. Кишилар ташкилий суратда узоқ шимолга бориб жойлашмоқдалар. Бу районлар мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада ривожлантириш соҳасида муҳим роль ўйнаши керак. Чукоткада нодир фойдали қазилмаларнинг деярли ҳамма турлари кўп.

Ереван давлат университетининг ректори депутат **М. Г. Нерсесян** сессияда сўзлаган нутқида Арманистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида бажарилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. Е. Лобанок** айтдики, Белоруссия қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари экинзорларни яхшилаш, янги ерларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жалб этиш ва уларнинг унумдорлигини ошириш соҳасида кенг кўламда иш олиб бормоқдалар. Республикада 1 миллион 700 минг гектар ер мелиорациялаштирилди. Беш йиллик мобайнида салкам бир миллион гектар майдонда мелиорация системалари қурилади ва ишлаб турган мелиорация системалари реконструкция қилинади.

Лекин шунга қарамай, деб таъкидлади депутат, айрим корхоналар ва ташкилотлар ер ҳақидаги қонун асослари талабларига риоя қилмаётганлигини, ер фондини муҳофаза этиш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаётганлигини кўрсатадиган ҳоллар учраб туради. Белоруссия заминида нефть борлиги, деди у, бизни хурсанд қилади. Аммо Нефть саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг ерга бепарво қараётганликларига тоқат қилиб туриш мумкин эмас. Бу корхоналар кўпинча экинзорларни барбод этадилар, тупроқни нефть маҳсулотлари ва химиявий эритмалар билан ифлослайдилар, далаларда темиртерсакларни қолдирадилар.

Белоруссия ўлкасининг табиати бой ва ранг-баранг. Белоруссия меҳнаткашлари Ленин васиятларига амал қилиб, табиат бойликларини авайлаб сақламоқдалар ва кўпайтирмоқдалар, бу бойликларнинг ҳаммасини инсонга, коммунистик қурилишга хизмат қилдиришга интилмоқдалар.

Шу билан кун тартибининг биринчи моддасини муҳокама қилиш тамом бўлди.

* * *

20 сентябрда тушдан кейин Катта Кремль саройида СССР Олий Советининг мажлислар залида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Депутатлар ва меҳмонлар **В. В. Гришин, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар

Ҳар иккала палатанинг қўшма мажлисини СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** очди.

У СССР Олий Советининг палаталарида табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан музокаралар тамом бўлди, деди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **В. А. Кириллин** шу масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Раислик қилувчи табиатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисида СССР Олий Советининг Қарорини қабул қилишга ўтишни таклиф этади.

Сессия бу қарорни бир овоздан қабул **қилади.**

СССР Олий Совети сессия кун тартибининг навбатдаги масаласини қараб чиқишга киришади.

Иттифоқ Совети Қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиясининг раиси депутат **И. В. Капитонов** СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатлари статуси тўғрисида СССР Қонун лойиҳаси ҳақида доклад қилди.

СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатлари статуси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида депутат И. В. Капитонов докладидан кейин кун тартибидаги иккинчи модда юзасидан музокаралар бошланди. Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **И. К. Лутак, А. Н. Шибалов, Г. М. Акимбетова, Н. М. Матчонов, Ф. С. Кураленок, Р. А. Руденко** қатнашдилар.

СССР Олий Совети «СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатлари статуси тўғрисида»ги СССР қонунини бир овоздан тасдиқлайди.

Навбатдаги масала — СССР Олий судини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети СССР Олий суди составини бир овоздан сайлайди.

Кун тартибидаги 4- модда — СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **М. П. Георгадзе** доклад қилди. У саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессиясидан кейин ўтган давр ичида СССР Олий Совети Президиуми СССР Конституцияси талабларига мувофиқ СССР Олий Совети тасдиқлаши лозим бўлган Фармонларни қабул қилганлигини маълум қилди. Докладчи ана шу Фармонларни қабул қилиш зарурлигини асослаб берди.

СССР Олий Совети СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлади ҳамда тегишли Қонун ва Қарорлар қабул қилди.

Саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

«ТУ–144» ТОШКЕНТДА

Пассажирлар ташишга мўлжалланган ва товушдан тез учадиган энг замонавий «ТУ-144» ҳаво кемасини 20 сентябрда Тошкент аэропорти биринчи марта қабул қилди. Бу самолёт эрта саҳарда Москва аэродромларининг биридан парвоз қилиб бир соату 50 минут йўл босгач Узбекистон пойтахти аэропортига оҳистагина қўнди.

Экипаж командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Михаил Васильевич Козлов УзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— «ТУ-144» Ўрта Осиёга биринчи марта учиб келди. Бу ажойиб машиналар шу беш йилликда мамлакат ҳаво йўлларида қатнайди. Синовлардан муваффақиятли ўтган бу самолёт ҳозир техникавий сафар қилиб яқин келгусида ўзи учун иш жойи бўлиб қоладиган аэропортлар билан «танишмоқда». Тошкент аэропортига товушдан тез учар бу лайнер Ўрта Осиёда биринчи бўлиб қўнганлиги тасодифий эмас. Пойтахтимизнинг самолётлар парвоз қиладиган — қўнадиган майдони жуда яхши, унинг замонавий ускуналари энг юқори даражали самолётларни қабул қилиб олишга имкон беради.

«ТУ-144» туш пайтида яна енгилгина парвоз қилиб, Тошкентга учиб келаётган вақтидагидек бирданига 17 километрлик баландликка кўтарилди ва Ватанимиз пойтахти Москва томон йўл олди.

Ю. ЮДИН,
УзТАГ мухбири.



Суратларда: 1. «ТУ-144» самолёти Тошкент аэропортида. 2. Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. В. Козлов бошқараётган товушдан тез учадиган лайнернинг экипажи.

И. Душкин фотолари, (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат арбитраж органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ҳамда СССР давлат арбитражи тузилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат арбитражининг давлат арбитрлари Анна Михайловна Петриченко ва Василий Трофимович Хорунжинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача